

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Низомий номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Ш.С.Шарипов, Ҳ.Якубова, С.Й.Ахмадалиев

**ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ
жараёнида талабалар касбий мослашишининг
ташкилий-методик омиллари**

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2007

Шарипов Ш.С., Якубова Х., Аҳмадалиев С.Й. Педагогик амалиёт жараёнида талабалар касбий мослашишининг ташкилий-методик омиллари. Методик қўлланма. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007. 37 б.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида талабаларнинг умумтаълим муассасаларида ўтказиладиган педагогик амалиёт алоҳида ўрин тутди. Мазкур методик қўлланмада педагогик амалиётнинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмуни талабалар касбий мослашишига қўйиладиган ташкилий-методик талаблар нуқтаи назаридан ёритиб берилади. Касб таълими факультети талабалари ва амалиёт раҳбарлари учун мўлжалланган.

Такризчилар: п.ф.д., проф. У.Нишоналиев

т.ф.н., проф. Б.Муҳамеджанов

п.ф.н., доц. М.Юлдошева

КИРИШ

Республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришлар жараёни кечмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизими жумладан, олий педагогик таълим муассасалари олдида педагогик кадрларни тайёрлашни тубдан яхшилаш вазифасини қуймоқда.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг муҳим босқичларидан бири педагогик амалиёт саналади. Олий таълим муассасаси аудиториясида эгалланган назарий билимлар, малака ва кўникмалар умум таълим мактабларида амалиёт давомида синовдан ўтади, ривожлантирилади.

Педагогик амалиёт талабаларни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув тарбиявий ишларга касбий педагогик ва психологик тайёрлаш, ижодий фикрлаш, касбий маҳорат ва қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Педагогик амалиётнинг асосий мақсади талабаларни меҳнат таълими ўқитувчиси ва синф раҳбари вазифасини бажаришга тайёрлашдир. Айнан шу амалиёт жараёнида талабалар ўқувчиларни тарбиялашга, ўқув ва тарбиявий жараёнларни узвий бирликда амалга оширишга, болаларни ғоявий-сиёсий, ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний ҳамда эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг бирлигини таъминлашга ўрганадилар.

1. Амалиётчи талабага маслаҳатлар

Педагогик амалиёт меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда шундай жараёндирки, бунда ҳар бир талаба ўқиш даврида тўплаган билимларини комплекс тарзда фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун педагогик амалиёт даврида ўқиш жараёнидаги барча камчиликлар яққол кўриниб қолади. Педагогик амалиёт, меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда ўзига хос синов ҳисобланади. Шунинг назарда тутиш керакки, амалиётчининг ёши у раҳбарлик қилаётган ўқувчиларнинг ёшидан жуда кам фарқланади. Бундай вазиятда биринчи кундан бошлаб тўғри йўл танлаш, ўқувчиларга нисбатан тақаллуфсизликка йўл қўймаслик, тақаббури муносабатда бўлмаслик жуда муҳимдир. Таҷрибанинг кўрсатишича, амалиётчи талаба ўқувчилар билан тўғри муносабатда бўлса, яъни уларга хайрихоҳлиги ва камтарлигини намоён қилсагина у тезда болалар билан иноқлашиб кетади.

Амалиётчи талабанинг ташқи қиёфаси ҳам муҳим рол ўйнайди. У ўқувчига намуна бўлиши зарур. Амалиётчи талаба оддий, озода кийиниши лозим, бу шартни бажармаган талаба ўқувчилардан шу нарсани талаб қила олмайди. Амалиётчи талаба нафақат ташқи қиёфаси билан, балки ўзининг одоби, ҳули, катта ва кичикларга муомаласи билан намуна бўлиши керак. Бу эса талабанинг амалиёт даврида турли тўсиқларга дуч келмасдан амалиётни тугатишига ва давр талабидаги педагог кадр бўлишига замин бўлади. Талабалар амалиёт даврида мактаб педагогик жамоанинг аъзоси бўладилар, бинобарин мактаб тартибига бўйсунадилар, меҳнат интизомига амал қиладилар.

Педагогик амалиётнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабанинг мустақиллиги ва фаоллигига, унинг ишга ижодий ёндошишига боғлиқ бўлади. Мана шу амалиёт даврида талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича тадқиқот материалларини тўплаш ва умумлаштириш учун имконият яратилади.

2. Педагогик амалиётнинг вазифалари

Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда педагогик амалиётнинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланган:

- талабаларда касбий ишонч ва барқарор педагогик қарашларни шакллантириш;
- талабаларнинг педагогик-психологик фанлар ҳамда махсус фанлар бўйича назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш;
- бўлажак ўқитувчиларни амалий кўникма ва малакалар билан, зарурий ҳолатларда умумий психологик-педагогик қонуниятларни қўллаш малакалари билан таъминлаш;
- талабаларга синф раҳбари вазифаларини бажаришни, «Камалак», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотлари билан ишлашни ўргатиш;

- талабаларни синфдан ташқари ишларни ташкил қилиниши ва ўтказилиши билан таништириш;
- талабаларга мактаб ўқувчиларини фан олимпиадаларига тайёрлаш режалари билан таништириш;
- талабаларни мактаб, ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий аҳволи, илғор педагогик тажрибалари билан таништириш;
- ўқитувчиларнинг муҳим касбий ва шахсий хислатларини ривожлантириш;
- талабаларни бевосита педагогик-психологик фаолиятда қатнашишларига эришиш;
- талабаларни мактаб, ўқувчиларини педагогик касбга йўналтириш ва тарбиявий тадбирларни ўтказишга ўргатиш;
- педагогик фаолиятнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишларини жорий ва истиқболли режалаштиришни ўргатиш;
- талабаларда ўқитувчининг иш режасига мактаб ўқувчилари билан тарбиявий ишларни олиб бориш малакасини шакллантириш;
- таълим тарбиявий ишларнинг асосий шакллари (дарс, суҳбат, ўйин ва бошқалар)ни амалиётга тадбиқ қилишни ўргатиш;
- талабаларга мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини кузатиш ва таҳлил қилишни ўргатиш;
- замонавий ўқитиш методларини қўллаб дарс ўтишни ўрганиш кабилардан иборат.

3. Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган педагогик амалиёт мазмуни ва уни ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида»ги Низомга мувофиқ Низомий номидаги ТДПУда «Талабаларнинг малакавий педагогик амалиёти ҳақидаги Низом» ишлаб чиқилган.

Малакавий педагогик амалиёт таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил этадиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини муваффақиятли қўллаётган, бу борада етарли иш тажрибаларига эга бўлган, ўқув-моддий таъминоти бугунги кун талабларига жавоб берадиган узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим муассасалари билан тузилган шартнома асосида тузилади. Малакавий педагогик амалиётни ўтказиладиган таълим муассасалари олий ўқув юрти жойлашган ҳудудга иложи борица яқин жойлашган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1. Талабалар амалиёт бошланадиган биринчи кунда педагогика олий ўқув юртида, педагогик амалиётга бағишлаб ўтказиладиган конференцияда қатнашадилар. Конференцияда талабаларни мутахассисликларига қараб гуруҳларга бўлинади ва педагогик амалиёт ўтайдиган таълим муассасаси

манзиллари билан танишадилар. Талабалар педагогик амалиётнинг мақсад вазифалари, дастури ва унинг мазмуни, бириктирилган методист ўқитувчилар билан танишадилар.

2. Талабалар бириктирилган ўқув муассасасига борадилар, манзил билан яқиндан танишадилар. Мактаб раҳбарии билан суҳбатлашиб, унинг тарихи ва анъаналарини, ўқув моддий базаси ва унинг педагогик фаолиятни илмий ташкил қилиш талабига жавоб беришини, ўқувчилар контингентини ўрганадилар.

3. Талабалар педагогик жамоанинг тажрибаси, илмий педагогик ишлари, мактабдаги ўқув, методик ишлар билан танишадилар. Илғор педагогик тажрибалар ўрганилиши ва жорий этилиши билан танишадилар. Ҳар бир амалиётчи талаба амалиётни ўташ даврида маълум синфга бириктириб қўйилади, у шу синф ўқувчиларига меҳнат таълимидан бешта йўналиш бўйича дарс берадилар.

1.Газламаларга ишлов бериш.

2.Пазандачилик асослари.

3.Ёғочга ишлов бериш.

4.Металларга ишлов бериш.

5.Қишлоқ хўжалиги асослари.

4. Амалиётнинг биринчи ҳафтаси мактабдаги, меҳнат таълими хоналарининг моддий базаси, ҳамда ўқувчилар билан танишишга бағишланади. Бу даврда амалиётчи талабалар ўзлари бириктирилган синфдаги турли дарсларда қатнашадилар, синф раҳбари ўтказадиган барча тарбиявий тадбирларда иштирок этадилар. Амалиётчи талабалар ҳафтанинг охирига бориб, ҳар бир ўқувчи ҳақида унинг ўзлаштириши, интизоми, ўқишга, жамоат ишига муносабати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур.

5. Талабалар ўзлари бириктирилган таълим муассасасидаги таълим тарбиявий ишлар, гуруҳ мураббийлари ва фан ўқитувчисининг тақвим мавзули режалари, меҳнат таълими хоналарининг йўналишлар бўйича жиҳозланганлиги билан танишадилар. Бундан ташқари амалиётчи фан ўқитувчисининг келгуси дарсларга тайёргарлиги дарс режаларининг тузилиши, улардаги дарснинг тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи мақсадларининг қўйилишини ўрганадилар. Ўқувчиларнинг фан юзасидан билим даражаларини ўрганиб давлат таълим стандарт талабларига тўғри келишини таҳлил қиладилар. Фан ўқитувчисининг дарсларда кўргазмали куруллардан фойдаланиши ва уларнинг натижаларини ўрганадилар.

6. Ўқитувчи бўлиб ишлаш мобайнида талаба фақатгина меҳнат таълими дарсларига кирибгина қолмай чизмачилик, расм каби турдош фанлардан дарсларга кириб, таҳлил қиладилар. Уларнинг меҳнат таълимига боғлиқ томонларини ўрганадилар. Меҳнат таълимининг барча йўналишларини, яъни техник ва маиший хизмат кўрсатиш меҳнати дарсларини кузатиб дарсларнинг ташкил қилинишини ўрганадилар.

7. Амалиёт даврида талабалар ўзларига бириктирилган синфларда тарбиявий иш режасига асосан байрам тадбирларини ўтказадилар. Бунда талаба ўзининг ижодий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда «Балли қизлар», «Наврўз

таомларини тайёрлаш» мавзусида тадбирлар ўтказиши мумкин. Талаба байрам сценарийсини тузади, ўқувчиларни тайёрлантиради.

8. Мактабда ташкил қилинган тўғаракларнинг иш режалари билан танишадилар. Тўғарак аъзолари, уларнинг фаолияти билан танишиб дарсларини таҳлил қиладилар. Навбатдаги тўғарак дарсларига тайёрланиб синов дарсларини ўтадилар.

9. Йўналишлар бўйича 8-9синфларда «Ишлаб чиқариш асослари», «Касбга йўналтириш» дарсларини таҳлил қиладилар, навбатдаги дарсларга тайёргарлик кўриб аввал синов дарсларини сўнгга эса намунали дарсларга кўргазмали куруллар тайёрлаш ва ўтиш.

10. Синф раҳбари билан бирга ота-оналар билан ишлашни, улар билан йиғилашлар ўтказишни ўрганадилар. Тарбияси оғир балган ўқувчиларнинг оилавий шароитлари билан танишиб, уларни тўғри йўлга солиш тадбирларини ишлаб чиқадиладар.

11. Педагогик амалиёт даврида тайёрлаши керак бўлган ҳужжатларни йиғиш ва педагогик амалиёт якунига бағишланган конференцияга тайёргарлик кўриш. Ҳисобот топшириш.

4. Педагогик амалиёт юзасидан тайёрланадиган ҳисобот ҳужжатлари

Педагогик амалиёт тугаганидан сўнг талабалар қуйидаги ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштирган ҳолда тақдим этадилар:

- 1) Амалиётчининг шахсий иш режаси.
- 2) Педагогик амалиёт кундалиги.
- 3) Амалиётчи талабанинг меҳнат фани бўйича камида 40 та дарснинг таҳлили (йўналишлар бўйича).
- 4) Танланган йўналиш бўйича меҳнат таълимидан календар мавзули режа.
- 5) Тарбиявий иш режаси.
- 6) Тарбиявий соатлар таҳлили.
- 7) Меҳнат фанидан ташкил қилинган тўғарак ишлар режаси.
- 8) Ёш физиология ва гигиена фанидан мустақил иш топшириқларига жавоблар.
- 9) Тарбиявий тадбир сценарийси.
- 10) Психологик-педагогик тавсифнома:
 - а) 1 та гуруҳ учун; б) 2 та ўқувчи учун.
- 10) Амалиётчи талаба дарс ўтган фанидан 6-8 та дарс ишланмаси.
- 11) Синов дарс режаси ва ишланмаси.
- 12) Синов дарс учун талаба томонидан тайёрланган ўқув-кўргазмали курул, тарқатма материаллар.
- 13) Синов дарснинг таҳлили ва мактаб метод бирлашмаси (Мактаб педагогик кенгаши) баённомасидан кўчирма.
- 14) Амалиётчи талаба учун педагогик амалиёт ўтган ўқув муассасасининг тавсифномаси.
- 15) Юқорида қайд этилган ҳужжатлар умумлаштирилган ҳисобот.

Амалиётнинг умумий баҳоси талабанинг тарбиячи ва ўқитувчи сифатида бажарган иши, ўқувчига ёзилган педагогик тавсифнома, ҳамда ҳужжатларнинг ўз вақтида топширилиши ва сифатини ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизимин асосида қўйилади.

Педагогик амалиётни ўташда талаба педагогика, психология, умумтехник ва методик фанлардан эгалланган билимларига таянади.

Қуйида талабалар педагогик амалаёт даврида амалга ошириши керак бўлган тадбирлар ҳамда бу жараёнда юритиладиган ҳужжатлар мазмунига тўхталамиз.

Амалиёт тугагач, талаба 3 кун ичида ҳисобот топширади. Унга кундалик, тавсифнома, дарс режалари, очиқ дарслар муҳокамаси қарорларидан кучирма, ўтказилган дарслар режаси ва конспекти, катнашган дарслари таҳлили баёни, ўтказилган тарбиявий ишларнинг сценарийси (матни), 2 та ўқувчига психологик-педагогик тавсифнома, амалиётчининг иш дастури, амалиёт даврида гуруҳнинг ўқув-тарбия ишлари ойлик ва йиллик (семестр) иш дастурлари, касб -хунар коллежи ҳақида маълумот, келгусида касб - хунар коллежи ишини ривожлантириш, дарс сифатини оширишга оид фикрлари илова қилиниши керак.

4.1. Амалиётчи талабанинг шахсий иш режаси

Педагогик амалиёт даврида амалиётчи талабанинг шахсий иш режасини тузиш схемаси:

№	Амалиётчининг дарс ва дарсдан ташқари ишлари мазмуни	Бажарилиш муддати	Бажарилганлиги ҳақида белги
---	--	-------------------	-----------------------------

Амалиёт давомида бажариладиган тадбирларнинг асосий йўналишлари:

1. Амалиётнинг биринчи ҳафтасида ўқувчилар ва синфни ўрганиш:

- ўқувчиларни меҳнат таълими ва бошқа дарсларда, синф раҳбари бошчилигида тарбиявий тадбирларда, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларда кузатиш;

- ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатларини, синф журналин, ўқувчиларнинг варақаларини ўрганиш.

2. Ишларни режалаштириш:

- меҳнат таълими ўқитувчисининг йиллик календар-мавзули режасини ўрганиш;

- синф раҳбарининг йиллик тарбиявий иш режасини ўрганиш;

- «Камалак», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг йиллик иш режасини ўрганиш;

- амалиёт даврига мўлжалланган ўзининг ўқув-тарбиявий ишларини (ўқитувчилар ҳамда синф раҳбари билан биргаликда) режалаштириш.

3. Ўқув ишлари:

- меҳнат таълими дарсларини кузатиш, таҳлил қилиш (ҳар бир дарснинг мавзуси, муддатини белгиланган ҳолда);

- тарбиявий соатни ўтказиш билан боғлиқ машғулотларни кузатиш (ҳар бир дарснинг мавзуси, муддати белгиланган ҳолда);

- меҳнат таълими дарсларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш (ҳар бир дарснинг мавзуси, муддати белгиланган ҳолда);

- амалиётда қатнашаётган бошқа талабалар дарсларига кириш, кузатиш.

4. *Фан бўйича синфдан ташқари ишлар:*

- тўғарак машғулотларини кузатиш, таҳлил қилиш, ўтказиш (мавзуси ва муддатини белгиланган ҳолда);

- экскурсияларни ташкил қилиш ва ўтказиш (манзили, муддати ва мавзуси белгиланган ҳолда);

- меҳнат хоналарининг жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш;

- паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш

5. *Ўқувчилар билан синф раҳбари сифатида тарбиявий иш олиб бориш:*

- кундалик тарбиявий ишларда иштирок этиш;

- тарбиявий соат дарсларини мустақил ўтказиш (мавзуси ва муддати белгиланган ҳолда);

- тарбиявий тадбирлар ўтказиш (тадбир номи ва муддати белгиланган ҳолда).

6. *Ота-оналар билан ишлаш:*

- ота-оналар йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиш;

- 2-3 та ўқувчининг уйига бориб, яшаш ва мустақил таълим олиш шароитлари билан танишиш.

7. *Методик ишларда қатнашиш:*

- илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш

- фан ўқитувчиларининг методик кенгашида қатнашиш.

8. *Педагогик амалиёт юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ҳисобот тайёрлаш.*

4.2. Педагогик амалиёт кундалиги

1. Кундалик — педагогик амалиёт юзасидан асосий ҳужжат бўлиб, у ҳисоботга илова қилинади.

2. Ҳар куни бажарилган иш кундаликка аниқ ва тартибли қилиб ёзиб борилади.

3. Амалиётчи кундалигининг биринчи бети ёзувлари: фамилияси, исми, отасининг исми, курси гуруҳи босма ҳарфлар билан тўлдирилади.

4. Амалиётчи кундаликни ўзи билан доимо олиб юриши ва керак бўлганда амалиётнинг бориши ҳақида фикрлар билдириши учун амалиёт раҳбарига тақдим этиши лозим.

Кундаликка қуйидагилар ёзилади:

1. Амалиётнинг ўтиш жойи, вақти, университетдан тайинланган гуруҳ раҳбари ва мактабдан тайинланган амалиёт раҳбарининг исми ва фамилияси.

2. Дарс жадвали.
 3. Амалиётчининг олиб борган барча турдаги ишлари.
 4. Кузатилган дарслар ҳақида маълумот (ўқитувчи исми, фамилияси, синф, мавзу).
 5. Амалиётчи ўтказган дарслар ҳақида маълумот (синф, фан, мавзу).
 6. Амалиётчининг олиб борган ўқув - тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлари.
 7. Тайёрланган кўргазмали қуроллар.
 8. Касбга йўналтириш борасида олиб борган ишлари.
 9. Ўтказилган амалиёт юзасидан амалиётчининг фикри (қандай қийинчиликларга дуч келинди, нималар ўрганилди ва ҳ.к.).
- Кундалик ТДПУ ёки мактабда тайинланган раҳбарга ҳар куни имзо қўйиш учун кўрсатилади.

Кундаликда кўрсатилмаган кун ҳисобга олинмайди.

Кундаликда қилинган ишлар қуйидагича жадвалда қайд этилади

Сана	Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни ва таасуротлар	Раҳбар имзоси

4.3. Меҳнат таълими дарсларини таҳлил қилиш

Педагогик амалиёт даврининг 1-4 – ҳафталарида талабалар мактаб жамоасининг педагогик фаолияти билан яқиндан танишадилар. Улар мактабдаги тарбиявий ишларнинг ташкил этилиши, тарбиявий соатларни таҳлил қилиш билан бирга мактабда ўқитиладиган ҳамма фанларни кузатадилар. Меҳнат таълими дарслари турли мақсадларда кузатилиши мумкин. Кўп йиллик иш тажрибани ўрганиш мақсадида ёш ўқитувчига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида, ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш ва баҳолаш иш услубини ўрганиш ва ҳоказо. Бутун дарс жараёни бир неча қисмда таҳлил этилади.

- I. Ташкилий.
- II. Дидактик.
- III. Методик.
- IV. Психологик.
- V. Педагогик.
- VI. Яқуний таҳлиллардан иборат.

Ташкилий таҳлилда меҳнат хонасини дарсга тайёргарлиги, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги эътиборга олинади. Ҳатто бу босқичда ўқитувчининг ташқи кўриниши ҳисобга олинади.

Дидактик мавзунинг илмийлиги, изчиллиги, оддийдан мураккабга йўналишни кўрсатмалилиги, билим ва ахборотларни ҳаётийлиги, жонлилиги раво тилда олиб борилиши ва ҳоказо.

Методик таҳлилда қандай усулларда дарсни олиб борилиши, қўлланилган дарс шакли мавзуга мос келадими ёки йўқми, тайёрланган кўргазмалар,

намуналар мавзуни очиб беришга хизмат қилиши, дарсда тадбиқ этилган янги педагогик технологиялар қай даражада ўзининг самарасини берганлиги ҳақида маълумот берилади.

Педагогик таҳлил – бунда ўқувчини ташқи қиёфаси, нутқи, синф билан тил топа олиши, миллий тарбия, экология, иқтисодий тарбия, ахлоқий, ғоявий сиёсий элементларни, тарбия туридан қайси бирига эътибор бериш лозим, қандай дарс туридан фойдаланса, дарс самарали бўлади – бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади.

Якуний таҳлил – бунда дарс бўйича мулоҳаза, йўл-йўриқлар ёки тавсиялар берилади. Юқоридаги таҳлилни бажариш учун дарсни ҳамма босқичини тўғри кузатилиши ва таҳлил этилиши керак.

Дарс кузатиш натижасида у ҳақида тўлиқ тасаввур вужудга келиши керак. Шунинг учун маълум тарздаги умумий талабларга риоя қилиш лозим.

1. Дарс ҳақида умумий маълумот: сана, жойи, синф, фан, ўқитувчининг исми, фамилияси, нечанчи соат (дарснинг жадвалдаги ўрни), ўқувчиларнинг сони, давомати, амалиётчи - талабалар қатнашиши.

2. Дарснинг мақсадлари. а) таълимий, б) тарбиявий, в) ривожлантирувчи мақсадларнинг қўйилиши ва унинг дарс жараёнида ёритилиши.

3. Ташкилий қисмни кузатишда асосан ўқувчиларни дарсга ҳозирлиги, синф хонасининг, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги (иш кийими, энглари, рўмоллари) борми, уларни асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва босқични қандай ўтганлиги даражаси етарли савияда ўтганлиги назорат қилинади.

4. Ўтилган мавзуни такрорлаш. Ўқитувчи ўқувчиларга берган саволлари ўтган мавзуни қамрай олди, саволлар аниқми, мавзуни такрорлашда қайси усуллардан фойдаланди. Ўқувчиларнинг жавоблари мавзуни ўзлаштирадими дейишга асос бўладими, ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил этилади.

5. Янги мавзуни тушунтиришда қандай усуллар қўлланилди. Ўқувчиларни меҳнат таълими ва бошқа фан асослари бўйича билимларига таянилдими ёки йўқми. Етарлича кўрсатмалиликдан фойдаланилдими, ўқувчиларни қизиқтира олинди, таълимда муаммоли вазият қўлланилдими, Янги билимни ўзлаштирилиши текширилди, ҳаёт билан боғланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

6. Кириш йўриқномаси. Меҳнат топшириғига тавсиф бериш: уни ўқувчилар бажара оладими, уларда қизиқиш уйғотадими? Топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва фан асосларига доир назарий билимларидан фойдаланиши назарда тутилди? Топшириқни бажариш билан боғлиқ ишнинг мазмуни мактаб ўқув дастурининг ўрганилаётган мавзусига мувофиқми? Буюмга қўйиладиган талаблар, ўзини-ўзи назорат қилиш мезонлари кўрсатилди? Кириш йўриқномаси қандай ўтди: қайси иш усуллари қўлланилди, уларни намойиш этишда етарлича кўрсатмалилик таъминландими? Ўқувчилар топшириқни қанчалик тушунгани текширилди ва бу текшириш етарлими? Хавфсизлик техникаси қоидаларига эътибор қандай? Кириш йўриқномасида ўқувчилар қандай иштирок этдилар: улар пасив тингловчи ва кузатувчи бўлдиларми ёки ўқитувчи уларни айрим масалаларни ҳал қилишга жалб этди?

7. Ўқувчиларни мустақил иши. Ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг қандай шакллари қўлланди? Ўқувчилар қандай хатоларга йўл қўйдилар, булар типик хатоларми? Ўқитувчи ўқувчиларнинг хатоларига қандай муносабатда бўлди? Қандай жорий йўриқномаси ўтказилди? Улар олдиндан режалаштирилганми? Жорий йўриқномаси ўз вақтида ўтказилди, дейиш мумкинми? Ўқувчилар жисмоний ишдан дам олишлари учун танаффуслар режалаштирилганми, бу танаффуслардан ўқитувчи қандай фойдаланди? Ўқувчилар, меҳнат топшириғини бажариш билан боғлиқ баъзи масалаларни мустақил ҳал қилишларига тўғри келдими, улар бу ишни бажара олдиларми? Ўқитувчи умуман синфнинг ва алоҳида ҳар бир ўқувчининг фаолияти устидан назоратни таъминладими? Ўқитувчи кучли ўқувчилар учун қўшимча топшириқларни назарда тутдими? Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини шакллантиришга етарлича эътибор берилдими?

8. Якунловчи йўриқнома. Бу йўриқномага қанча вақт кетди, у нима ҳақида бўлди? Машғулот қанчалик чуқур ва тўлиқ якунланди? Типик хатолар, яхши ва кўнгилдагидек чиқмаган буюмлар кўрсатилдими?

9. Иш ўринларини йиғиштириш. Иш ўринларини йиғиштириш қанча вақт олди? Ўқувчилар йиғиштириш учун барча зарур нарсалар билан таъминландими? Иш ўринларини йиғиштиришнинг сифати ким томонидан ва қандай текширилди? Иш ўрнининг озодалиги учун мусобақа ўтказилдими? Бу мусобақада синф фаоллари қандай роль ўйнайди?

10. Умумий хулоса. Дарс қандай элементлардан ташкил топди? Дарс типи. Ўқитувчи кўзлаган мақсадга эришдими?

4.4. Календар мавзули режа

Меҳнат таълимида календар мавзули режа йўналишлар бўйича алоҳида тузилади. Ҳар бир йўналиш бўйича мактаб ўқув режасига асосланиб ҳамда Давлат таълим стандартларидан ва дастурдан келиб чиққан ҳолда бир ўқув йилига мўлжаллаб, фан ўқитувчиси томонидан тузилади. Истиқболли календар мавзули режа ўқув йили бошида август кенгаши йиғилишида кўриб чиқиб маъқулланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади. Ўқув йили давомида фаннинг мазмунини календар мавзули режа очиб беради. Режа мавзулари ўқитиш кетма-кетмалигини, амалий, назарий билимлар учун вақт тақсмотини кўрсатиб беради. Календар мавзули режада бутун ўқув йилида қар бир бўлим, мавзу учун қанча вақт ажратилади ва бу мавзулар қайси муддатда ўқитилиши аниқ кўрсатилади.

Календар мавзули режа қуйидаги жадвал тарзида тузилади.

Дарс кетма-кетлиги	Бўлим ва мавзулар номи	Ажратилган соат	Дарс ўтиш санаси	Дарс тури	Кўргазмали куруллар	Мустақил иш	Қўшимча
1	2	3	4	5	6	7	8

Ушбу жадвалдаги устунларни белгиланган рақамига кўра қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Дарс кетма-кетлигини билдиради. Ўқув режасида неча соат кўрсатилган бўлса, шунча дарс кетма-кетлиги бўлади. Масалан: 5-6-7 синфларда меҳнат таълими дарслари жами 68 соатни ташкил қилади.

2. Мавзулар номи дастур мазмунидан олинади.

3. Ажратилган соат миқдори ҳафталик соат миқдори ҳисобидан олинади.

4. Дарс ўтиш муддати, ҳафталик дарс жадвалини календарга мувофиқлаштириб олинади.

5. Ушбу мавзунини қандай дарс туридан фойдаланиб ўтилиши кўрсатилади, айниқса ноанъанавий дарс турларидан кўпроқ фойдаланишга эътибор бериш керак.

6. Кўргазмалар қуроллар. Ушбу мавзунини тушинтириш жараёнида қандай кўргазмалар қуроллардан, техник воситаларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш зарурлиги кўрсатилади.

7. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Синфда ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида албатта уй вазифаси бўлиши шарт. Жуда кўп ўқитувчилар уй вазифаси деганда синф ишини давом эттириш деб тушунадилар. Бу нотўғри ҳисобланади. Ўқувчи синфда бажариладиган ишни уйга олиб кетмасликка одатланиши керак. Бунинг учун ҳар доим дарсларга тайёр бўлиши керак ва топшириқларни ўз вақтида бажарилиши керак. Уй вазифаси шу синфда олган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

8. Ўқув йили давомида шу мавзунини ўқитишда келаси ўқув йилида киритилиши керак бўлган ўзгартиришлар, ўқитувчининг айрим фикрлари, мулоҳазалари тўплаб борилади.

4.5. Амалиётчи талабаларнинг синф раҳбари сифатидаги ишлари

Синф раҳбарининг йиллик иш режаси асосан қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқувчиларни ўрганиш; синф ўқувчилари ва коллективини ташкил қилиш ва тарбиялаш; Ўқувчилар билимлари сифатини ошириш ҳамда интизомини мустаҳкамлаш; синфдан ташқари тарбиявий ишни ташкил қилиш ва ўтказиш; ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш. Амалиётчи талаба бириктирилган синф аъзолари билан яқиндан танишиб чиқиши зарур бўлади. Уларнинг характерларини, қобилиятларини, оилавий шароитларини батафсил билиш амалиётчининг келгусида улар билан ишлашни осонлаштиради. Биринчи кундан бошлабқ тарбиявий соатларда синфни йиғиб танишув тренингларини ўтказилади. Тренинг ўтказиш учун синфни доира шаклида ўтказилади, бундан асосий мақсад ўқувчилар бир-бирларини кўриб турадилар. Амалиётчи талаба уларга турли хил қизиқарли саволларни ўртага ташлайди, масалан: «Исмингизни айтиб чиқинг», «Исмингиз бошланган ҳарфдан ўзингизга мос бўлган феълингизни айтиб чиқинг », «Ўзингиз севган гулни айтинг» ва ҳоказо. Бунда сиз ўқувчилар ҳақида жуда кўп маълумотга эга бўласиз, ўқувчилар бир-бирлари билан янада яқинроқ танишадилар, синф билан жамоа бўлиб фаолият юритишларида кўмак бўлади. Синф аъзоларини

гуруҳларга бўлиб, турли суҳбатлар ўтказиш, уларга алоҳида вазифалар бериш катта натижа беради.

4.6. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув-тарбиявий ишларини ўрганиш

1. Меҳнат таълими дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш методларини ўрганиш мақсадида дарсларга қатнашиш ва уни таҳлил қилиш.

2. Ўқитувчининг дарсга тайёрланишини ўрганиш ва унга қатнашиш (дарс режасини тузиш, унинг моддий - техник базасини тайёрлаш).

3. 3-4 мутахассислик дарсини дарс мустақил ўтказиш ва 5 - 6 дарсни таҳлил қилиш.

4. Педагогик тажриба орттириш учун мутахассислик фанлари туркумидаги дарсларга қатнашиш ва уларни таҳлил қилиш.

5. 3 - 4 назарий дарсни мустақил ўтказиш ва иккитасини таҳлил қилиш.

6. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ҳужжатлари билан танишиш.

7. Меҳнат таълими ўқув режаси ва дастурини ўрганиш.

8. Мавзули (календарь - тематик) режани ўрганиш.

9. Меҳнат таълими бўйича келтирилган вақт мейёрларини белгилашни ўрганиш.

10. Меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар эгаллайдиган касблар ўқув паспортини ўрганиш. Ўқув технологик ҳужжаларни ўрганиш

11. Ўқув - ишлаб чиқариш ишларининг рўйхатини тузиш

12. Гуруҳ учун касб-ҳунар таълими режаси.

13. Фронтал ўтилмайдиган мавзулар ва ўқувчилар иш жойларининг алмашиши.

Тавсиялар: Амалиётчи талаба ҳунар таълими устасининг иши билан батафсил танишади ва унинг иш тажрибсидан ўз меҳнат фаолиятида ижодий фойдаланиши керак.

Амалиётчи ўзи бириктирилган гуруҳнинг ўқув йшларида қатнашади, жорий, бошланғич тушунтириш ишларини, сўнгра гуруҳда мустақил машғулот ўтказади.

Амалиётчи касб - ҳунар коллежи методик ишлари:

- педагогик кенгаш ишлари;

- фан - метод бирлашма йиғилишлари;

- инструктив - методик йиғилишлар;

- ишлаб - чиқариш таълими ва назарий таълим журналларининг тўғри юритилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш таълими бўйича гуруҳга ойлик ва (чорак) квартал режа ҳамда ҳисоботлар тузишда фаол қатнашмоғи лозим.

Очиқ дарс амалиётчи иштирокида фан - метод бирлашма йиғилишида таҳлил қилинади. Ўтказилган очиқ дарс учун барча ҳужжатлар (дарс режаси, конспекти, технологик карта, муҳокама қарори) талабанинг педагогик амалиёт юзасидан ҳисоботиغا илова қилинади.

Мавзу бўйича топшириқлар

Меҳнат таълими ўқитувчисининг режалаштириш, методик ва ҳисобот ҳужжатларини ўрганади ва таҳлил қилади.

Синфдаги меҳнат таълими бўйича барча дарсларига қатнашиш, илғор усталарнинг иш тажрибасини ўрганиш ва 2 та ишлаб чиқариш таълими дарсини ёзма таҳлил қилиш.

Меҳнат таълимидан 6 та мустақил дарсга тайёрланиш ва ўтказиш.

Меҳнат таълими бўйича битта очик дарс ўтказиш.

Мутахассислик фанларидан камида 10 та назарий ва 30 та амалий таълим дарсларига қатнашиш уларга ёзма таҳлил тайёрлаш.

3 - 4 та назарий таълим дарсларига (биттаси очик дарс) тайёрланиш ва ўтказиш.

Эслатма: Амалиётчининг ишлаб чиқариш таълими ва назарий таълим бўйича ўтказган очик дарслари таҳлили бўйича педагогик кенгаш қарорининг нусхаси ҳисоботда берилади.

4.7. Меҳнат таълими ўқитувчисининг дарсдан ташқари ишларини ўрганиш

1. Ўқув - тарбия ишлари бўйича директор муовини, тажрибали уста ва ўқитувчилар билан дарсдан ташқари олиб бориладиган ишлар ҳақида суҳбатлашиш.

2. Дарсдан кейинги тадбирларни ташкил қилиш методикасини, аҳамиятини ўрганиш учун 2 тадбирни кузатиш.

3. Дарсдан кейинги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиш.

4. Тавсиялар: Амалиётчи педагогик амалиётининг бошланишида ишлаб чиқариш устасининг тарбиячи сифатида олиб борадиган ишлари мазмуни ва методикаси билан танишиб, гуруҳ фаоллари билан яқиндан танишади.

5. Ишлаб чиқариш устасининг тарбиявий (дарсдан ва мактаб (коллеж) дан ташқари) ишлари режасини ижодий ўрганади.

Мавзу бўйича топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш амалиёти даврига мўлжалланган гуруҳ билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар режасини тузиш.

2. Ишлаб чиқариш устасининг оталиқ ташкилоти меҳнат жамоаси, оила ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борадиган ишларини ўрганиш.

3. 2 - 3 та тарбиявий тадбирни таҳлил қилиш.

4. Ҳаваскорлик, техник ижодкорлик тўғараклари ва спорт секциялари ишлари билан танишиш.

5. 2-3 та дарсдан ташқари тадбирга тайёргарлик кўриш, уни мустақил ўтказиш.

6. Ўтказилган тарбиявий тадбирлар сценарийси (матни) ва у муҳокама қилинган метод бирлашма қароридан кўчирма ҳисоботга қушиб топширилади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ва гуруҳ раҳбарининг касбга йўналтириш ишларини ўрганиш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежларда ишлаб чиқариш устаси ва гуруҳ раҳбарлари олиб борадиган касбга йўналтириш ишларининг усуллари ва методлари билан танишиш.

2. Меҳнат таълими ўқитувчиси, ишлаб чиқариш таълими устаси касбга қизиқтириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежида касбий тарбияни амалга оширишда меҳнат таълими ўқитувчиси, ишлаб чиқариш таълими устасининг ўрни;
- Низомий номидаги ТДПУнинг республика таълим муассасаларига ўқитувчилар тайёрлашдаги роли;
- Низомий номидаги ТДПУ қабул шартлари, таълим ва тарбия шароитлари;
- Низомий номидаги ТДПУ га экскурсия уюштириш.

Мавзу бўйича топшириқлар

1. Касб-хунар коллежида касбга йўналтириш бўйича олиб борйлаётган ишлар таҳлили.

2. Ишлаб чиқариш устаси касбга қизиқтириш бўйича бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот тузиш.

3. Касбга қизиқтириш ишларига режа тузиш.

4.8. Мактаб фаолиятини ўрганиш

1. Мактаб раҳбарлари билан суҳбат.

2. Касб - хунар коллежи тарихи ва анъаналарини ўрганиш.

3. Касб-хунар коллежининг ўқув-моддий базаси билан танишиш ва унинг педагогик фаолиятни илмий ташкил қилиш талабларига жавоб бериши даражасини аниқлаш.

4. Ўқувчилар контингенти, қандай касбларга ўқитилишини ўрганиш.

5. Меҳнат таълими ўқитувчилари тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илмий-педагогик ишлари билан танишиш.

6. Касб - хунар коллежи методик ишлари билан танишиш.

7. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва уларни қўллаш аҳволи билан танишиш.

8. Касб-хунар коллежида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнини ўрганиш.

9. Хунар таълими усталарининг касбни тарғиб қилиш ишлари билан танишиш.

10. Ўқувчиларни, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ва тарбия ишларига муносабатларини ўрганиш.

11. Гуруҳ устасининг кундалиги, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, оила ва ётоқхонадаги шахсий ҳаёти билан танишиш.

12. Гуруҳда олиб борилаётган меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия сифатини ўрганиш.

13. Гуруҳдаги ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш.

14. Гуруҳ жамоасининг аҳиллиги, фаоллиги шаклланишида синф раҳбари ва устанинг ролини ўрганиш.

Тавсиялар: Амалиёт даврида ўқувчилар шахсини ўрганишнинг ҳамма методларини (гуруҳ устаси, синф раҳбари, ота - оналар билан суҳбат, ўқувчиларнинг уйларига бориш) қўллаш лозим.

Ўқувчилар гуруҳи жамоасининг меҳнат фаолиятини ташкил қилишда гуруҳ устаси ва синф раҳбарининг ролига эътибор бериш керак.

Мавзу буйича топшириқлар

1. Иккита ўқувчига психологик - педагогик тавсифнома ёзиш.
2. Гуруҳга ўқув - ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан педагогик тавсифнома ёзиш.
3. Гуруҳ жамоасида ўз - ўзини бошқариш схемасини тузиш.

4.9. Меҳнат дарсларини ўтиш бўйича тавсиялар

Юқорида айтилганидек педагогик амалиёт даврида талабалар ўзлари бириктирилган синфларда меҳнат таълимининг белгиланган йўналишлари бўйича 6-8 та дарс ўтиши лозим. Биринчи ҳафтасида амалиётчи талаба фан ўқитувчисининг иш услуби билан, синф хонасидаги асбоб ва жиҳозларни таъминланиши билан, савол жавобни қандай ўтказиши билан танишадилар. Амалиётчи ўз ишида олий ўқув юртида олган билимларига таяниши лозим ва имкони борица мактабдаги фан ўқитувчиларининг тажрибаларидан фойдаланадилар. Бундан ташқари бириктирилган меҳнат дарсларида қатнашиш шунинг учун зарурки, дарс ўтказишнинг ташкил қилиниши ва методикасидан кескин фарқ қилиши устахона билан боғлиқ муайян одатларни эгаллаган ўқувчиларга салбий таъсир қилаши мумкин. Ниҳоят, мазкур мактабда юзага келган мавжуд шароитларни ўрганиш мактаб дастурининг ўрганиладиган мавзуси талабларига тўла жавоб берадиган иш объектини режалашга ёрдам беради.

Талабалар дарсларга тайёрланишида унинг кўرғазмали воситалар билан таъминланганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Ҳар мактабда ўрганиладиган меҳнат операцияларининг, техникага оид маълумотларнинг кўрғазмалилигини яхшилашга ва шунинг ҳисобига ўқув жараёнининг самарадорлигини кўтаришга имкон топилади. Амалиётчилар бу борада ташаббус кўрсатишлари ва ўргатадиган ўқув материалга доир айрим кўрғазма воситаларни таклиф этиб, кейинчалик уни ўзлари ёки ўқувчилар ёрдамида тайёрлашлари мақсадга мувофиқдир. Булар плакатлар, мосламалар, слайдлар намуналар бўлиши мумкин.

Амалиётчилар учун дарснинг энг қийин элементи ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилишдир. Зарурий тажрибаси йўқлиги туфайли амалиётчи талаба мустақил ишларни бажариш давомида ўқувчиларда пайдо бўладиган қийинчиликларни ҳали олдиндан кўра билмайди. Шундай пайтларда амалиётчи ўзини йўқотиб қўяди, ўзини қандай тутишни билмайди, шу туфайли ўқув жараёнидаги унинг раҳбарлик роли йўққа чиқади. Амалиётчи энг аввало шуни

ёдда тутиши керакки, ўқувчилар Амалий иш бажараётганларида албатта хатоларга йўл қўядилар, йўриқномалар ёрдамида меҳнат ҳаракатининг ички қўринишини очиб бериш мумкин. Ўқувчилар мустақил ишни бажараётганларида амалиётчи уларнинг меҳнат амалларини тўғри бажараётганликларини текширишга асосий диққат-эътиборни қаратишлари лозим. Методик адабиётлар билан танишиш, мактабдаги фан ўқитувчисидан ва амалиёт раҳбаридан маслаҳатлар олиш кўпчилиikka хос хатоларни аниқлашга ҳамда олдиндан уларни бартараф этиш чораларини ўйлаб қўришга имкон беради. Мустақил иш вақтида иш ўринларини айланиб чиқиб, ўқувчиларга маслаҳатлар бериш зарур. Баъзан амалиётчи айнан бир нарсанинг ўзини турли ўқувчиларга кўп марта алоҳида-алоҳида намоёйиш қилаётганини пайқамай қолади. Бунга кўп вақт кетади ва барибир ҳамма ўқувчиларни қамраб олишнинг иложи бўлмайди. Бу ҳолда энг муҳими хатонинг типиклигини ўз вақтида аниқлаш ва фронтал йўриқнома ўтказишдир.

Амалиётчи янги материални баён этишга тайёрланар экан, ўқувчиларда ва ўқув материали билан боғлиқ бўлган, ўқув дастури доирасидан чиқмайдиган саволлар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак. Албатта бу саволларга жавоб бериши зарур, лекин бунга ҳамisha ҳам бўлавермайди. Бу ҳолда ўқувчиларга дарслардан кейин ўз олдига киришни, тўғрак ишида қатнашишни таклиф қилиш, зарур адабиётларни тавсия этиш мумкин.

Ўтилган материал юзасидан савол-жавоб ва янги материални мустаҳкамлашга тайёргарлик қўришда амалиётчи саволларни ўйлаб олиши лозим. Ўқувчиларнинг жавобларидаги мумкин бўлган четлашишларни таҳлил қилиб чиқиш лозим. Уларнинг хатоларини дарҳол тузатишга тайёр туриш лозим. Бу ишни хушмуомалалик билан, ўқувчига қаттиқ тегмайдиган қилиб амалга ошириш керак. Ўқувчилар ишини текшираётганда уларнинг характеридаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиш ва баҳоларни шу асосда қўйиш керак. Маълумки 10-15 ёшдаги болалар жуда қаттиқ эмоционал таъсирланадилар. Эҳтиётсизлик билан айтилган ҳар бир кўпол сўз уларни қаттиқ ғазаблантириши, бу ғазабни жilовлаш қийинлашиб, агар амалиётчининг ўзи ҳам ёмон кайфиятда бўлса, бутун дарс бузилиши мумкин.

Меҳнат фанини йўналишлар бўйича ўқитишда ҳар бир йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан «Газламаларга ишлов бериш» йўналишида ўқув хоналари тегишли тартибда жихозланган бўлиши, санитар-гигиеник меъёрларга жавоб бериши керак бўлади. Ўқувчиларга тикув машинасидан тўғри фойдаланишни ва турли шикастликларнинг олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўқувчиларнинг шунга амал қилишларини таъминлаш зарур. Дарсларда кўргазмали қуроллардан, техник воситалардан, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишларини ортиради. Амалий машғулотларда жорий, оралиқ, якуний йўриқномаларни ўз вақтида ва мазмунли, тўғри ўтказиш ўқувчилар тикаётган буюмларининг сифатли бўлишига олиб келади.

Меҳнат дарсларида кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш методининг самарали бўлиши қуйидаги талабларга риоя қилинишига боғлиқдир:

1. Кўргазмали қўлланмаларни намоиш қилиш вақтида уларнинг барча ўқувчиларга яхши кўринадиган бўлишини таъминлаш зарур, эстетик жихатдан талаб даражасида бўлиши керак.
2. Кўргазмали қўлланмалар ўқув материали мазмунининг энг муҳим белгиларини акс эттириши лозим.
3. Баён қилинаётган материалнинг мазмунига тўла тўқис мувофиқ келадиган кўргазмали нарсаларни намоиш қилиш керак. Ортиқча кузатиш объектлари бўлмаслиги лозим, чунки улар ўқувчиларнинг диққатини чалғитиши мумкин.
4. Ўқитувчи кўрсатаётган нарсанинг ўқувчилар томонидан идрок этилиши жараёнига аниқ раҳбарлик қилиши лозим.

Меҳнат дарсларида ўқувчилар билимини текширишда амалиётчи талабалар қуйидаги тавсиялар асосида иш юритадилар.

Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолаш катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Билим ва меҳнат кўникмаларини текшириш ва баҳолаш меҳнат таълимининг барча босқичларида: ўтилган материални такрорлаш ва янгисини мустахкамлашда меҳнат усулларини эгаллашда ва меҳнат ва меҳнат топшириқларини мустақил бажаришда, график иш ва уй вазифаларини бажаришда амалга оширилади.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш икки хил шаклда: фронтал ва якка тарзда ўтказилади. Меҳнат таълими дарсларида якка текшириш учун қулай шароит вужудга келади, чунки ўқувчиларнинг биридан сўраш бошқа ўқувчиларни ишдан чалғитмайди. Фронтал сўраш камроқ қўлланилади ва ундан бирор меҳнат усулини назарий қонидани бутун гуруҳ қанчалик тўғри ўзлаштирганини текшириш зарур бўлиб қолганда фойдаланилади. Одатда тайёр буюмни баҳолашда фронтал текшириш қўлланилади.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш оғзаки, ёзма ва амалий бўлиши мумкин.

1. Оғзаки текшириш – ўқувчилар билимининг савияси, пухталиги ва онглилигини аниқлаш имконини беради.
2. Билимларни ёзма текшириш нисбатан камроқ, одатда ўқувчилар билимини синаб кўриш керак бўлганда, яъни ўқувчилар берилган мавзунини ўрганишга у ёки бу масала бўйича қандай билимлар билан келгани ва бу билимлар мавзунини ўргангандан кейин қанчалик тўлаллигини аниқлаш зарур бўлганда қўлланилади.
3. Билимларни амалда текшириш меҳнат таълимида алоҳида ўрин тутади, чунки ўқувчиларнинг меҳнат дарсларидаги фаолияти асосан ижтимоий фойдали буюмларни тайёрлашдан иборат бўлади ва шу йўл билан моддий ифодасини топади.

Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини текшириш жараёни қуйидаги дидактик масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган.

1. Билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш.
2. Ўқувчилар ўқув фаолиятларида раҳбатлантириш.
3. Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишдаги нуқсонларни аниқлашда ёрдам бериш.

4. Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини таркиб топтириш.
5. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш олдиндан ишлаб чиқилган дастур асосида ўтиши ҳамда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига таркибан қўшилиб кетиши керак.

Баҳо қўйишда оқилона ва методик жиҳатдан тўғри ёндошиш зарур. У ўқувчининг қизиқишини ҳамда ўқишга бўлган хоҳишини раҳбатлантириши ва аксинча нотўғри қўйилган баҳо унинг ўқишга бўлган қизиқишини пасайтириши мумкин. Баҳо тарбиявий воситалардан бири бўлмоғи керак, Шунинг учун ҳам баҳо қўйишда амалиётчининг ниҳоятда объектив бўлиши талаб этилади. Кўпинча амалиётчи талабалар ўқувчиларнинг интизомига оид бирорта камчилиги (дарсга кечикиб келиши, гаплашиб ўтириши ва ҳоказо) учун баҳони камайтириш каби хатога йўл қўядилар. Бу ўринда амалиётчи талаба тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиши лозим. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолашда қуйидаги талабларни бажарилиши талаб этилади.

1. Назарий ва технологик билимлар меъёри ва уларни Амалий иш жараёнида
2. Асбоблар, мосламалар ва бошқа жиҳозларни билиши ва уларни ишга созлай билиши.
3. Амалий иш жараёнида техника хавфсизлиги ва санитария гигиена талабларини бажара билиши.
4. Ажратилган вақт меъёрида буюмни тайёрлай олиши.
5. Меҳнат усулларини қанчалик эгаллай билиши.
6. Дарс жараёнини ёзма ва график хужжатлардан фойдалана билиши ва уларнинг оддийларини туза билиши.
7. Иш жойини нечоғлиқ тўғри ташкил қила билиши.
8. Материалларни танлай билиши, асбоб ускуналарга тўғри муносабатда бўлиши.
9. Нечоғлиқ мустақил ишлай билиши ва ижодий изланиши.
10. Буюмни сифатли тайёрлаши.
11. Техник ва технологик талабларни тўғри бажара олиши.

5. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари

Педагогик амалиёт давомида талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш 100 баллик рейтинг тизими асосида амалга оширилади.

Ўқув режасидаги фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб баллар қуйидагича тақсимланади:

- «Педагогика» фанидан – 25 балл
- «Психология» фанидан – 10 балл
- «Гигиена» фанидан – 5 балл
- Мутахассислик фанидан – 60 балл

Талабаларнинг балларда ифодаланган ўзлаштиришлари қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 балл – 5 «аъло»

76 – 85 балл – 4 «яхши»

55 – 75 балл 3 «қониқарли»

Фанлар бўйича белгиланган вазифаларга балларнинг тақсимооти

Педагогика фани – 25 балл

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Синф раҳбарларининг тарбиявий ишлар режасини ўрганиш, бириктирилган синфда тарбиявий режани тузиш	1	1 ҳафта	2
2	Тарбиявий тадбир ишланмасини тузиш	2	Амалиёт давомида	3
3	Тарбиявий тадбирларда қатнашиш ва ўтказиш	-	Амалиёт давомида	3
4	Педагогик ва психологик тавсифнома 2 та (синф ва битта ўқувчига)	2	Амалиёт давомида	3
5	Матнларни тузиш (меҳнат таълими бўйича) ва уларга тарбиявий мақсадни ёритиш даражаси	-	Амалиёт давомида	3
6	Ота-она билан суҳбат	-	Амалиёт давомида	4
7	Амалиётчи кундалигини юритиш	1	Амалиёт давомида	3
8	Ҳисобот		Амалиёт давомида	2
9	Тавсифнома	1	Амалиёт давомида	2

Психология фани – 10 балл

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Мактаб билан танишиш	1 кун	1 чи ҳафта	1
2	Мактаб, психолог билан суҳбат	-	1чи ҳафта	1

3	Педагогик-психологик тавсифнома тайёрлаш	-	Амалиёт давомида	2
4	Ўқувчилар шахсий варақасини ўрганиш ва тузиш	-	Амалиёт давомида	2
5	Ота-оналар билан суҳбат	-	Амалиёт давомида	2
6	Юритилган ҳужжатлар	-	Амалиёт давомида	2

Гигиена фани – 5 балл

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Мактаб биносининг санитар нормалари талабларига жавоб бериши ҳақида (ишланма)	1	Амалиёт давомида	5

Меҳнат таълими методикаси – 60 балл

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг балли
1	Педагогик амалиётга бағишланган йиғилишда қатнашиш	-	1 ҳафта	2
2	Мактаб, маъмурияти билан танишиш	-	1 ҳафта	2
3	Календар-тематик режани ўрганиш ва тузиш	1	1 ҳафта	2
4	Ишланма (конспект тузиш)	-	Амалиёт давомида	7
5	Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш	-	Амалиёт давомида	7
6	Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ва тайёрлаш	-	Амалиёт давомида	5
7	Синфда дарсларни ўтказиш	-	Амалиёт давомида	15
8	Синфдан ташқари ишлар (тўғараклар ўтказиш, ўқувчилар билан ишлаш, олимпиадаларга тайёрлаш, тадбирлар ўтказиш)	-	Амалиёт давомида	10
9	Ҳужжатлар: кундалик, ҳисобот, ишланма, тавсифнома	-	Амалиёт давомида	10

Амалиётчи ҳисоботи (сарварақ)**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Касб таълими факультети 4- курс____ гуруҳи талабаси
_____нинг

да

(касб - ҳунар коллежи, мактаб)
ўтказилган

**КОМПЛЕКС ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ
ҲИСОБОТИ**

Амалиёт раҳбари _____
(фамилияси, исми, баҳо, сана, имзо)

Тошкент – 2007

«Тасдиқлайман»

педагогик амалиёт раҳбари
«__» _____ 200__ й.

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ЎТАШ РЕЖАСИ

№	Амалиётчининг дарс ва дарсдан ташқари ишлари мазмуни	Бажарилиш муддати	Бажарилганлиги ҳақида белги
1.	КҲК билан танишиш		
2.	Бириктирилган гуруҳ ўқувчиларини		
3.	Гуруҳда олиб борилаётган тарбиявий ишларни ўрганиш.		
3.1. Ишлаб чиқариш таълими дарслари таҳлили			
3.1.1	Фан номи		
3.1.2	Фан номи		
3.1.3	Фан номи		
3.2. Назарий таълим дарслари таҳлили			
3.2.1	Фан номи		
3.2.2	Фан номи		
3.2.3	Фан номи		
3.3. Дарсдан ташқари тадбирларда қатнашиш			
3.3.1	Тадбир номи		
3.3.2	Тадбир номи		
3.3.3	Тадбир номи		
4.	Ишлаб чиқариш таълими дарсига тайёрланиш ва ўтказишда гуруҳ устаси билан биргаликда ишлаш		
5.	Ишлаб чиқариш таълими дарсини ўтказиш.		
5.1			
5.2			
5.3			
6.	Синов дарси Мавзуси:		
7.	Назарий таълим дарсини ўтказиш:		
7.1.1	Дарс мавзуси:		
7.1.2	Дарс мавзуси:		
7.1.3	Дарс мавзуси:		

8.	КХК тўғараклари фаолиятини ташкиллаштиришда иштирок этиш		
9.	Ишлаб чиқариш устаси _____нинг тажрибасини ўрганиш.		
10.	Ўқувчиларга психологик - педагогик тавсифнома ёзиш.		
11.	Ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш		
11.1	Мавзу:		
11.2	Мавзу:		
12.	Ўқувчилар ва уларнинг ота - оналари билан тарбия ва таълим ҳақида суҳбат ўтказиш.		
13.	Ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.		
14.	Педагогик кенгаш ва метод бирлашма ишида қатнашиш.		
15.	Ҳисобот учун маълумотлар йиғиш ва амалиётини яқунлаш (фикр, мулоҳазалар)		

Амалиётчи _____

Режа тузилган сана _____

Умумий ўрта таълим мактабидан

бириктирилган ўқитувчи _____

_____фанидан

НАЗАРИЙ ДАРС РЕЖА – КОНСПЕКТИ

Гуруҳ _____ Сана «___» _____ 200 __ й.

Дарс мавзуси _____

Дарс мақсади:

1. Таълимий _____

2. Тарбиявий _____

3. Ривожлантирувчи _____

Дарс методлари: _____

Дарсинг жиҳозланиши, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар

Фанлараро боғланиш _____

Дарс ўтиладиган хона _____

Адабиётлар:

Асосий:

1.

2.

3.

Дарсинг бориши

(дарс элементлари ва тахминий тақсимот вақти кўрсатилади).

1. Ташкилий қисм (5 дақиқа).

2. Ўтган дарс мавзуси ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш (10 дақиқа).

Саволлар: а)

б)

в)

Ўқувчилар жавобларини умумлаштириш.

3. Янги мавзу баёни (45 дақиқа)

Янги мавзунини тушунириш учун режа берилди ва режага асосан тушунтирилади.

4. Янги мавзунини мустаҳкамлаш (10 дақиқа).

Саволлар: 1:

2:

3:

Ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштириш.

5. Дарс якуни (7 дақиқа).

6. Уйга вазифа бериш (3 дақиқа).

_____ ихтисослиги
 _____ гуруҳида ўтиладиган

Амалий машғулотнинг режаси

1. Дарс мавзуси _____
2. Дарс мақсади _____
3. Моддий - техникавий таъминот _____
- а) кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар _____
- б) Махсус мосламалар _____
- в) Ўлчов ва ишлов берувчи асбоблар _____
4. Машғулот давомида шакллантириладиган амалий кўникмалар _____
5. Машғулот давомида мустаҳкамладиган назарий билимлар _____

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм (ажартилган вақт кўрсатилсин):

1. Давоматни текшириш,
2. Ўқувчиларнинг ташқи кўринишини (махсус кийимларини) текшириш.

II. Кириш йўриқномаси (инструктажи) (вақти кўрсатилсин):

1. Дарс мавзусини баён қилиш
2. Дарснинг мақсадини баён қилиш
3. Олдинги дарслардан ўтилган материаллар юзасидан суҳбат ўтказиш (саволлар ва ўқувчилар фамилияси кўрсатилсин):

- а) _____
- б) _____
- в) _____

4. Ўқувчиларга иш усулларини кўрсатишни таклиф этиш (иш усуллари ва ўқувчилар фамилияси кўрсатилсин) :

- а) _____
- б) _____
- в) _____

5. Амалий мустақил ишни бажариш бўйича йўриқнома (инструктаж) бериш:

- 5.1. Берилган ишнинг касбни эгаллашдаги аҳамияти ҳақида гапириб бериш.

- 5.2. Қандай қилиб маҳсулот (детал)ларга ишлов бериш, бунини яхши ўрганиб олиш ва малакалари мустаҳкамлашни гапириб бериш.

- 5.3. Тайёр маҳсулот (детал), намуна, эталонларини кўрсатиш.

- 5.4. Тайёрланган деталлар қаерларга жўнатилишини ва улар ишлаб чиқариш учун қандай аҳамиятга эга эканлигини гапириб бериш.

5.5. Чизмалар, техникавий талабларни таҳлил қилиш (ўқувчилар диққатини чизма талаблари ва техникавий шартларга қатъий риоя қилишга жалб қилиш).

5.6. Ўқувчиларнинг чизмани ўқиш, материаллар технологияси, махсус технологияга оид билимларига таяниб, саволлар бериш (саволлар ва ўқувчиларнинг фамилиялари кўрсатилсин):

- а) _____
- б) _____
- в) _____

5.7. Инструкцион (инструкцион - технологик) карталар бўйича топшириқларнинг изчил бажарилиши ҳақида гапириб бериш.

Операцияларни бажаришда ишлатиладиган жиҳозлар, мосламалар, асбоблар ҳақида гапириб бериш:

- а) иш асбоби _____
- б) ўлчов асбоби _____
- в) мосламалар _____
- г) жиҳозлар _____

5.8. Иш усуллари кўрсатиш (иш суръатида ва секинлаштирилган суръатда, элементларни ажратган ҳолда ва яна иш суръатида).

5.9. Ишни бажариш жараёнида ўз - ўзини текшириш ҳақида сўзлаб бериш ва ўз - ўзини текшириш усуллари кўрсатиш.

5.10. Операциялар орасида назорат қилиш.

5.11. Топшириқни бажаришда қўлланиладиган илғор иш усуллари.

5.12. Иш жойини мақсадга мувофиқ ташкил этиш.

5.13. Хавфсизлик техникаси қоидалари ҳақида сўзлаб бериш; қуйидаги саволларга алоҳида аҳамият бериш:

- Ишда бракнинг олдини олиш (брак турлари ва типик хатоларни кўрсатиш).

5.14. Саволлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўрганилаётган материал бўйича ўзлаштиришларини текшириш (саволлар кўрсатилсин).

5.15. Ўқувчиларнинг ишни тўғри тушунганликларига ишонч ҳосил қилиш, уларга иш усуллари бутун гуруҳ олдида қайта кўрсатишни таклиф этиш.

5.16. Вақт нормасини (комплекс ишларни бажаришдаги) маълум қилиш.

5.17. Ўқувчиларга баҳо мезонини баён қилиш.

5.18. Кириш йўриқномаси (инструктажи) ни хулосалаш.

III. Жорий йўриқнома (инструктаж), машқлар, мустақил ишлар (вақт кўрсатилади):

Машқлар (кўрсатилади): _____

Мустақил ишлар (кўрсатилади) _____

Муайян мақсад билан ўқувчиларнинг иш ўринларини айланиб кўриб чиқиш.

Биринчи айланиш: иш жойларининг аҳволини текшириш. Ўқувчиларга (фамилиялари кўрсатилади) алоҳида аҳамият бериш.

Иккинчи айланиш: иш усуллари кўрсатишнинг тўғри бажарилишини текшириш.

Ўқувчиларга алоҳида (фамилиялари кўрсатилади) аҳамият бериш.

Учинчи айланиш: ўз - ўзини назорат қилишнинг тўғри олиб борилаётганини текшириш. Назорат қилиш усуллариининг ўқувчилар (фамилиялари кўрсатилади) томонидан бажарилишига алоҳида аҳамият бериш.

Тўртинчи айланиш: ишда техникавий шартларга риоя қилинишини текшириш.

Ишни қабул қилиш ва баҳолаш. Яхши ўзлаштирган ўқувчиларга қўшимча ишлар бериш (ишлар кўрсатилади).

Бешинчи айланиш: иш (операциялар) орасидаги назоратнинг тўғри олиб борилишини текшириш.

V. Якунловчи йўриқнома (инструктаж)инструктаж (вақт кўрсатилади).

1. Кунлик ишни якунлаш.

2. Ҳар бир ўқувчи ишининг сифатига қўйилган баҳони баён қилиш.

3. Ўқувчилардан ким ишни аъло бажарганини айтиб утиш.

4. Ўқувчилар ишидаги энг характерли камчиликларини таҳлил қилиш.

VI. Иш жойини йиғиштириш.

VII. Навбатдаги дарс учун моддий - техника базасини тайёрлаш.

Ишлаб чиқариш таълими устаси _____
(фамилияси, имзоси)

«_____» _____ 200__ йил.

ДАРС ТАҲЛИЛИ

«_____» _____ 2006 йил

Дарс берувчи ўқитувчи _____ гуруҳи _____

фан _____ журналдаги ўқувчилар сони _____
шундан _____ нафари дарсга қатнашди _____ нафари кеч келди.

Ташкилий қисм _____

Дарснинг бориши

1. Ўтган мавзунини такрорлаш _____

2. Янги мавзу _____

3. Дарсда кўргазмаларни қўлдан олиш ва техника воситаларидан фойдаланиш

4. Дарсга таъсир (ғоявий – сиёсий, илмий – назарий ва услубий нуқтаи
назардан, вақтинча тўғри тақсимланиши)

5.

Дарснинг ютуғи	Дарснинг камчилиги

6. Фанлар алоқадорлиги, турмуш, табиат, ишлаб чиқаришга боғлаши

5. Дарснинг якуни _____

6. Уйга вазифа _____

8. Ўқувчилар дафтарига ва китобига эътибори

9. Синф тозалигига бўлган муносабати _____

10. Хулоса ва таклифлар _____

11. Синф ўқувчилари ҳақида фикр

Дарс кузатувчи: _____

Дарс берувчи: _____

Дарсдан ташқари тадбир таҳлили

_____курс _____гуруҳи ўқувчилар сони _____
сана _____ўтказиш жойи _____
Тадбирни тайёрлаган шахс _____
Тарбиявий тадбирнинг мавзуси _____
Мақсади _____

I. Тадбирнинг ташкил қилиниши

- тадбирнинг бошланиши.
- тадбирни ўтказиш учун олиб борилган тайёргарлик ишлари.
- тадбирни ўтказиш режаси ва тартиби (сценарийси).

II. Тадбирнинг бориши ва мазмуни

- тадбир материалнинг таълим ва тарбиявий аҳамияти зарурий материаллардан фойдаланилгани.
- инсонпарварлик ҳис - туйғуларини ифодаловчи томонлар.
- тадбирни ўтказиш методлари.
- тадбир материалнинг ўқувчилар учун қизиқарлилиги ва таъсири.
- ўқувчиларнинг фаоллик даражаси.

III. Тадбир ҳақида ўқувчилар фикри.

- таҳлили, натижаси, ҳулоса.
- тадбирнинг педагогик моҳияти.
- истақ ва маслаҳатлар.

Метод бирлашма қароридан кўчирма

_____ касб - ҳунар коллежи
 _____ фанлар
 метод бирлашмаси йиғилиши қароридан

К Ў Ч И Р М А

Тошкент ш. _____ 200__ й.

Қатнашдилар: _____
Кун тартиби

Амалиётчи _____ нинг
 _____ ихтисослиги __ курс __ гуруҳида
 _____ фанидан
 _____ ўтган очик
 дарси муҳокамаси.

Эшитилди: Методик бирлашма аъзолари (ф.и.ш.) амалиётчининг дарси ҳақида фикр билдирдилар (фикрларнинг қисқача мазмуни берилади.)

Қарор қилинди:

Амалиётчи _____ нинг дарси
 _____ баҳолансин.

Мухр _____ Метод бирлашма
 раиси: _____
 Катта уста _____

Эслатма: Назарий таълим дарси, тарбиявий тадбир муҳокамаси қарорларидан кўчирма ҳам шу тартибда расмийлаштирилади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. Амалиётчи талабага маслаҳатлар	4
2. Педагогик амалиётнинг вазифалари	4
3. Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган педагогик амалиёт мазмуну ва уни ташкил этиш	5
4. Педагогик амалиёт юзасидан тайёрланадиган ҳисобот ҳужжатлари	7
4.1. Амалиётчи талабанинг шахсий иш режаси	8
4.2. Педагогик амалиёт кундалиги	9
4.3. Меҳнат таълими дарсларини таҳлил қилиш	10
4.4. Календар мавзули режа	12
4.5. Амалиётчи талабаларнинг синф раҳбари сифатидаги ишлари	13
4.6. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув-тарбиявий ишларини ўрганиш	14
4.7. Меҳнат таълими ўқитувчисининг дарсдан ташқари ишларини ўрганиш	15
4.8. Мактаб фаолиятини ўрганиш	16
4.9. Меҳнат дарсларини ўтиш бўйича тавсиялар	17
5. Педагогик амалиётни баҳолаш мезонлари	20
Иловалар	
1-илова. Амалиётчи ҳисоботи (сарварақ)	23
2-илова. Педагогик амалиётни ўташ режаси	24
3-илова. Назарий дарс режа – конспекти	26
4-илова. Амалий машғулотнинг режаси	27
5-илова. Дарс таҳлили	30
6-илова. Дарсдан ташқари тадбир таҳлили	32
7-илова. Метод бирлашма қароридан кўчирма	33

